

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА УЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процес-суал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмакда.

Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг “Иқтисодий эркинлик” индекси-да 52 поғонага, Жаҳон банкининг “Логистика самара-дорлиги” индексида 19 поғонага, “Бизнес юритиш” индексида 18 поғонага кўтарилди.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш” тизимидаги 6-гурӯх мамлакатлари қатори-дан 5-гурӯх мамлакатлари қаторига кўтарилди.

Шу билан бирга, айрим раҳбарлар рейтинглар билан ишлашга етарлича эътибор қаратмаётганлиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислохотлар ўз аксини топмаётганлиги оқибатида устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикаси куйи поғоналарда қолмоқда.

Мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлиги ва халқаро майдондаги иимижини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жо-рий қилиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекис-тон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилан-ган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) 1-иловага мубофиқ тарихий ташкил этилсин.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, тур-ли соҳаларда амалга оширилаётган туў ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўна-лишдаги ишларнинг самарadorлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхши-лаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизи-мини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республика-си учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар-даги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Кенгашнинг ишчи органлари этиб белгилансин.

Кенгаш ишчи органлари бўйича тақсимланган Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилашга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши ва амал-га оширилиши ҳамда ушбу йўналишда тизимли халқаро ҳамкорлик олиб борилиши устидан Кенгаш томонидан назорат ўрнатилади.

(Давоми 2-бетда).

Халқ сўзи

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 3 июнь, № 116 (7618)


Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ

янги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида айна муддао



Тафсилотларни видеолашда кўринг

Президентимиз раислигида жорий йил-нинг 25 май куни транспорт соҳасининг бар-қарор ишлашини таъминлаш ва изчил ри-вожлантириш масалалари бўйича ўтказил-ган йиғилишда пандемия даврида темир йўл орқали юк ташишга талаб кескин кўпайгани, хусусан, халқаро юк ташувларида темир йўлнинг улуши 75 фоиздан 87 фоизга ош-ганлиги, бу хизматлар сифатини яхшилаш ва таннархни тушириш орқали миҳозларни кўпайтириш учун яхши имконият эканлиги алоҳида таъкидланган эди.

Чиндан ҳам, бугунги кунда мамлакатимиз-да юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми темир йўл ҳиссасига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб айтadиган бўлса, бу тармок-нинг мамлакатимиз иқтисодиётда аҳамия-ти катта. Айна шу мақсадда “Ўзбекистон

темир йўллари” акциядорлик жамияти томо-нидан хизмат кўрсатиш даражаси ва сифа-тини янада ошириш мақсадида сўнгги йил-ларда дунёнинг тараққий этган давлатлари-дан юртимизга замонавий электровоз ҳамда тезюрар поездлар олиб келинди. Айна чоғда ўзимизда янги юк ва йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунга ке-либ, жамият таркибида бу йўналишда учта завод фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири “O‘ztemiryo‘lmashta‘mir” унитар корхонаси таркибидаги “Quyuv-mexanika zavodi” шубба корхонасидир. Айтиш жоизки, мазкур кор-хонада ҳозирги пандемия шароитида ҳам ка-рантин коидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ишлаб чиқариш жадал суръатларда давом этмоқда.



Қишлоқ хўжалиги вазирининг дастур ижроси бўйича ахбороти — депутатлар муҳокамасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида таркиб топган ама-лиётга мубофиқ, навбатдаги парламент эшитиуви ўтказилди. Депутатлар қишлоқ хўжалиги вазир Жамшид Хўжаевнинг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожланти-ришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйи-ча чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитишди.

■ Парламент эшитиуви

Вазирнинг таъкидлашча, Президенти-мизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбе-кистон Республикаси қишлоқ хўжа-лигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган страте-гиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони вазирлиқнинг яқин ўн йиллик-даги истиқбол режаларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатда соҳани ривож-лантиришнинг устувор йўналишлари, қисқа ва узоқ муддатли ислохотларни амалга ошириш стратегияси аниқ кўрсати-б ўтилган. Қулай агробизнес муҳити-ни яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвести-циявий жозибadorлиқни ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масалалар шулар жумласидандир. Шунингдек, тармокни қўллаб-қувват-лашга йўналтирилган давлат харажат-

ларини босқичма-босқич диверсифика-ция қилиш, қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хиз-матлари тизимини ривожлантириш ҳамда тармок статистикасининг шаф-фоф тизимини яратиш ҳам бу борада-ги ислохотлар кетма-кетлигини ташкил этади.

Ўтган даврда мазкур йўналишларда бир қатор ишлар, изланиш ва ислохот-лар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил 1 мартдан пахта хом ашёси ҳамда бошқоқли дон етиштиришда банд бўлмаган майдонларда тупроқ-иқлим шароитлари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда туманларни босқич-ма-босқич иختисослаштириш тизими жо-рий этилиши назарда тутилган эди. Шун-дан келиб чиқиб, “Бостон консалтинг групп” (BCG) компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида

“Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва диверсификация қилиш” бўйича илмий асосланган, аниқ амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар ама-лиётга киритилиши натижасида кўриладиган самарadorлик параметрлари акс эттирилди. Шу сабабли ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланди.

Дастурни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хори-жий ташкилотларнинг маблағлари жалб этилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг иж-рочи директорлар кенгаши Ўзбекистонга “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш учун 500 миллион АҚШ доллари ажратили-шига доир режани маъқуллади.



Кўзланган натижага эришишда масъулият талаб этилади

Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлигидаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди. Мазкур ҳужжат билан Миллий маърузачи институти ҳам таъсис этилди.

■ Долзарб мавзу

Сўнгги йилларда мамла-катимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатнинг олди-ни олиш, унга барҳам бе-риш, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оши-риляпти. Хусусан, шу йўна-лишдаги фаолиятни тизим-га солиш, мавжуд муаммо-ларни бартараф этиш мақ-садида қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро меҳнат ҳамда Халқаро миграция ташкилотларининг олтига

конвенция ва протоколлари ратификация қилинди. Бундан ташқари, Одам савдосига ва мажбурий меҳ-натга қарши курашиш миллий комиссияси, унинг таркиби-да Одам савдосига қарши ку-рашиш ҳамда Мажбурий меҳ-натга қарши курашиш маса-лалари бўйича кичик комис-сиялар ташкил этилди. Улар-нинг фаолиятини тартибга со-лувчи низоомлар тасдиқланди, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро меҳнат ҳамда Халқаро миграция ташкилотларининг олтига



■ Маҳаллий Кенгашларда

Ислохотлар жараёнида янада фаоллик лозим

Тошкент вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонава иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мавжуд 8 та доимий комиссия раислари, ҳоким ўринбосарлари, вило-ят прокурори ва ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи қатнашган тадбирда ҳудуд-лар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари, ко-ронавирус пандемияси, гло-бал инқироз ҳолатларининг иқтисодиётга салбий таъси-рини камайитириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар,

жорий йил учун қўшимча ин-фратузилма лойиҳаларини тайёрлаш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайти-риш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча заҳираларни аниқлаш, кам-бағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорлиқни ри-вожлантириш бўйича амал-га оширилаётган ишлар са-марadorлиги ҳақида фикр алмашилди.





«МАҲАЛЛА» ФОНДИ ҲУЗУРИДАГИ «САҲОВАТ ВА КЎМАК» ЖАМҒАРМАСИГА ТУШГАН ҲОМИЙЛИК ВА ХАЙРИЯ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САРФЛАНИШИ

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларига асосан, **250** мингдан ортиқ оилаларга жами **83** млрд. **969** млн. сўм маблағ сарфланди.

Жумладан,

- **163 591** та оилага **31** млрд. **240** млн. сўмлик кундалик истеъмол товарлари;
- **10 992** та оилага **272** млн. **600** минг сўмлик дори ва ҳимоя воситалари;
- **22 803** та оилага **3** млрд. **75** млн. сўмлик бошқа турдаги маҳсулотлар;
- **52 737** та оилага **49** млрд. **382** млн. сўмлик нақд ва пул кўринишидаги маблағлар берилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ
ЯХШИЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА УЛАР БИЛАН
ТИЗИМЛИ ИШЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ва индексларнинг Кенгаш ишчи органлари бўйича тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Масъул давлат органлари биринчи **раҳбарларининг** фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг **бош мезонларидан** бири этиб Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича **самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари** (кейинги ўринларда — КРІ) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мутасадди вазирлик ва идоралар ўзлари масъул бўлган рейтинг ва индексларнинг эълон қилиниши мuddатлари ва уларнинг методологияларини ҳисобга олган ҳолда, КРІга эришиш мақсадида:

бир ой мuddатда 2020 йил иккинчи ярми давомида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурларини;

ҳар йил 1 декабрга қадар келгуси йил давомида амалга ошириши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритилишини таъминласин.

Бунда, халқаро рейтинг ва индексларнинг

навбатдаги наشريда зарур кўрсаткични қайд этишга қаратилган амалий тақдирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар ҳамда уларни тузишда фойдаланиладиган ахборот манбалари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини назарда тутиш лозим.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ масъул давлат органларининг биринчи раҳбарлари **ҳар чорак якуни** бўйича:

кейинги ойнинг 15-санасига қадар Кенгаш ишчи органларига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур статистик ахборотлар ва бошқа материалларни тақдим этади;

кейинги ойнинг 30-санасига қадар Кенгаш раиси ёки ўринбосарининг раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишларда тегишли халқаро рейтинг ва индексларда КРІга эришиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ–5687-сон Фармони билан ташкил этилган Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия зиммасига Кенгаш фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ва Кенгаш йиғилишлари оралиғида тегишли йўналишда масъул давлат органлари ишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Масъул давлат органлари ҳамда тадқиқот

институтлари тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни Кенгаш ишчи органларига мунтазам равишда тақдим этиб босин.

7. Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобат-бардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини акс эттириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 6 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда ушбу бошқарманинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** интернет тармоғида **“Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда” ягона портал**ининг (кейинги ўринларда — портал) ишга туширилишини таъминласин.

Кенгаш ишчи органлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда портал

фаолиятининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш ва уни янгилаб бориш учун масъул этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги масъул давлат органлари билан биргаликда мунтазам равишда давлат ва жамият ҳаётининг халқаро рейтинг ва индекслар, уларнинг таркибий индикаторларида баҳоланадиган соҳаларига оид давлат сиёсатидаги ўзгаришлар ва ислохотларнинг моҳиятини ёритиш ҳамда соҳада жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида кенг қамровли тарғибот ишларини амалга оширсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 июнь	

Ислохотлар жараёнида янада фаоллик лозим

◀1

Тадбирда карантин шароитида аҳолини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга яратилаётган имкониятлар, қўшимча имтиёз ва енгилликлар бериш бўйича қўрилаётган чоралар ҳусусида сўз юритилди. Айни чоғда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги ташаббусларда фаол иштирок этаётган тадбиркор ҳамда фермерларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлар юзасидан секторлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда Кенгаш олдида ҳисобот беришини йўлга қўйишга қелишиб олинди.

«Халқ сўзи».



Гап шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 17 октябрида Сурхондарёга ташрифи чоғида Денов туманида ҳам бўлиб, “Денов текстиль” фабрикасининг очилиш маросимида иштирок этди ва келгусида мазкур туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди. 2020 йил 9 апрелда давлатимиз раҳбарининг “2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши эса бу борадаги амалий ишларга кенг йўл очди.

Карорга биноан туманда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қулай агробизнес муҳитини ҳамда кооперация муносабатларини ривожлантириш борасидаги ишларни тизимли ташкил этишга оид аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Афсуски, илгари Денов тумани бош режасида урбанизацияга талаблари инobatга олинмаган, ижтимоий, маданий ва иқтисодиёт ин-

КЎҲНА ДЕНОВНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани қадимда Чағонийён номи билан машҳур бўлган. Археолог ҳамда тарихчилар моддий ва номоддий топиламаларни ўрганиб, Денов шаҳри ҳамда унинг теvarак-атрофи бундан икки-уч минг йил илгари ҳам йирик маданий-иқтисодий марказ бўлганини асослаб берди. Бу ҳудудда савдо-сотик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик кенг ривожланганки, энди унинг янги тараққиёт даври бошланмоқда.

Қарор ва ижро

шоотлари палапартиш жойлаштирилган, натижада туман маркази анча зич, транспорт ҳаракатланиши қийин, бозор ва бошқа жамоат жойларида айрим муаммолар кузатилаётганди. Холбуки, Денов вилоятнинг аҳоли энг кўп жойлашган ҳудуди ҳисобланади. Энди бундай муаммоларга барҳам берилиб, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда, бу ерда узок йиллар давомида шаклланган ҳунармандчилик ҳамда тадбиркорлик, саноат, туризм, хизмат кўрсатиш ва аграр соҳани ривожлантириш, туман марказининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, унинг тарихий қисmini реконструкция қилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари самарали ташкил этиладиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Президент қарори ижроси қатъий назоратга олинган. Жумладан, яқинда Денов тумани фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов мазкур ҳужжат асосида амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, 2020 — 2022 йилларда Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари дастурига асосан,



ҳудудда жами 505 та лойиҳани амалга ошириш учун 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши белгиланган. Хусусан, саноат соҳасида 51, хизмат кўрсатишда 46 та, қишлоқ ҳўжалигида 50 та, йўл-транспорти бўйича 67 та, ичимлик суви ва канализация тармоғига доир 11, электр энергияси тизимида 105 та, газ таъминоти бўйича 22 та лойиҳа амалга оширилди.

Бундан ташқари, ахборот-коммуникация, мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, ободонлаштириш, кўп қаватли уй-жойлар қуриш, иситиш тизими каби йўналишлар бўйича жами 140 га яқин лойиҳаларни уч йил давомида рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Чунончи, дастурга асосан, деҳқон бо-



ҳарорати тиббиёт ходимлари томонидан доимий ўлчанади. Тиббий никоб ва антисептик воситалари билан таъминланади.

Бундан ташқари, кириш йўлагига ўрнатилган замонавий турикетлар ёрдамида ходимлар ҳақидаги маълумотлар рўйхатга олиниб, доимий равишда назорат қилиб борилмақда.

Жамоада ҳозир 1500 дан зиёд ходимлар фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 217 нафари ёш мутахассислар. Жорий йилда 50 та янги иш ўрни очилди.

Ҳаракат хавфсизлигига боғлиқ бўлган корхонанинг гилдирак ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехида кунига юзга яқин гилдираклар ясалади. Тайёр маҳсулотлар шу цехнинг ўзида жойлашган лабораторияда текширувдан ўтказилади.

Корхонада ўтган икки йил мобайнида пўлат, чўян, металл конструкцияли маҳсулотларни қўйиш борасида ҳам самарали натижалар қўлга киритилди.

Яъни ўтган йилда қарийб 5820 тонна пўлат, 2900 тонна чўян ҳамда 3200 тонна металл конструкцияли маҳсулотлар қўйилди. Заводнинг қуюв цехи ишчилари мазкур кўрсаткични жорий йилда янада оширмоқчи.

Яна бир муҳим жиҳат, корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу боис бу борадаги кўрсаткичлар йил сайин ортиб борапти. Масалан, бу ерда 2018 йили 20 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда яна 30 турдан ортиқ маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади. Бундан кўринадики, транспорт-логистика тармоғи янги маҳсулотлар билан бойиб, ташиш ишлари салмоғи янада ортиши, шубҳасиз.

Дилшод УЛУҒМУРОВ,
Мирзо МУРOTOV.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

чи ҳамда Гулистон ва Лолазор маҳаллаларини боғловчи Қизилсув дарёси устидан ўтувчи янги кўприклар қурилади ва ҳоказо.

— Дастурдан ўрин олган бу каби вазифалар, уларнинг ижроси 386 мингдан зиёд деновликларни рози қилишга, қадимдан йирик иқтисодий-маданий марказ бўлиб келган тумanning янги қиёфа касб этишига хизмат қилади. — деди вилоят ҳокими. — Шу боис белгиланган тадбирларнинг мuddатида тўлақонли ва сифатли баҳарилиши унга масъул раҳбарлар ишига баҳо беришининг ўзига яраша тарозиси бўлади.

Фаоллар йиғилишида дастурда белгиланган чора-тадбирлар ўз мuddатида, сифатли амалга оширилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга бу борадаги ишлар самарадорлиги, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини қучайтириш юзасидан тегишли тасвия ва топшириқлар берилди.

— Деновдаги эзгу ишлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев. — Зеро, аждодлар меросини асраб-авайлаш, уни тадрижий ривожлантириш келгуси авлодлар зиммасидаги муқаддас вазифадир. Дарҳақиқат, бу замндан не-не улуг инсонлар — орифу-олимлар, авлиёю вали зотлар ўтмаган дейсиз... Муҳими, бугун ҳам юрагида ўт-олов алангаланган навқирон авлод униб-ўсмоқда. Бу биз, деновликларнинг бахти саналади.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАР БИР БОЛА — ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бугунги кунда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил болалар манфаатларини таъминлаш, давлат ва бошқа органлар, ташкилотларнинг бу борадаги ишини мувофиқлаштириш мақсадида ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Муносабат

Президентимизнинг шу йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни янада юқори поғонага кўтарди, десак, мунолага бўлмайди. Бинобарин, мазкур қарор билан бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизими яратилди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти мобайнида ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажариши, вакил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи минтақавий вакилларига эга бўлиши, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳага мажбурий тартибда вакил билан қелишиши белгиланди.

Унда, шунингдек, вакилнинг асосий вазифалари акс этди. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини монеликсиз амалга ошириш ва тиклашга кўмаклашиш, ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ёрдамлашиш шулар жумласидан. Бундан ташқари, мазкур соҳада давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик ва бошқа нотижобор ташкилотлари фаолиятига кўмаклашилади ҳамда халқаро ҳамкорликини ривожлантиришга аҳамият қаратилади.

Етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ҳаётида мураккаб вазиятга тушиб қолган бошқа тоифадаги болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вакил фаолиятида устувор ҳисобланади.

Маслаҳатлар билан

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил болаларни ҳар қандай турдаги зуравонлик, шайқатсизлик, эксплуатация қилинишдан, шунингдек, разолатдан, муносиб парварishi йўқлигидан ва ёмон муомаланинг бошқа шаклларида ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўради.

Барча болалар вакилнинг гамхўрлиги остида бўлади, бироқ етим болаларга, ақлий ва жисмоний имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил билан ҳамкорлик қилган ҳолда, фаолиятини самарали ташкил этиши лозим. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилаётганлиги ҳақида ўзига тўғраётган маълумотларни эътиборга олган ҳолда тегишли чоралар кўриши керак.

Бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг даврий маърузаларини кўриб чиқиш яқунлари юзасидан БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг яқунловчи тасвирларини амалга ошириш вакил фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Президент қарори билан ушбу вазифаларни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Умуман айтганда, мамлакатимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар фарзандларимизнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган барча ҳуқуқи таъминла-нишини кафолатлайди.

Сатор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили котибиятининг бола ҳуқуқларини таъминлаш сектори мудири.

